

КИБЕРМАКОНДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА СЎРОҚ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ ТАКТИКАСИ

Нематиллоев Бахром Вахобович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсанти

Аннотация. Ушбу мақолада сўнгги йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига жиддий таҳдид солувчи, жамият ва давлат манфаатларига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига, қонуний манфаатларига, мулкчилик шаклларига зарар етказувчи ахборот технологияларидан, хусусан махсус техник воситалар, компьютер техника қурилмалари ва бошқа дастурий аппаратура ҳамда гаджетлардан фойдаланган ҳолда содир этилаётган кибержиноятларни тергов қилиш, кибержиноятчиларни сўроқ қилишда эътиборга олинishi ва аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар баён этилади.

Калит сўзлар: кибержиноятчи ва унинг психологик тавсифи, элэрон ҳамён, криптовалюта, элэктрон тўлов тизимлари, пул ўтказмалари, алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш.

Annotation. In this article, in recent years, there is a serious threat to the economic development of our country, which harms the interests of society and the state, the constitutional rights and freedoms of citizens, legal interests, forms of ownership, which are carried out using information technologies, in particular, special technical tools, computer equipment and other software hardware and gadgets. the circumstances that should be taken into account and the circumstances that should be identified when investigating cybercrimes, interrogating cybercriminals are described.

Keywords: cybercriminal and his psychological description, electronic wallet, cryptocurrency, electronic payment systems, money transfers, fraud, abuse of trust.

Аннотация. В данной статье в последние годы возникла серьезная угроза экономическому развитию нашей страны, которая наносит ущерб интересам общества и государства, конституционным правам и свободам граждан, законным интересам, формам собственности, которые осуществляются с использованием информационных технологий, в частности специальных технических средств, компьютерной техники и других программных средств и устройств. Описаны обстоятельства, которые следует учитывать и обстоятельства, которые следует выявлять при расследовании киберпреступлений, допросе киберпреступников.

Ключевые слова: киберпреступник и его психологическая характеристика, элэктронный кошелек, криптовалюта, элэктронные платежные системы, денежные переводы, мошенничество, злоупотребление доверием.

Мамлакатимизнинг бутун ҳудудида жиноятчиликка қарши курашашнинг самарали тизими ишлаб чиқилгалигига қарамай, жиноят оламида жиноятчилар томонидан жиноятлар содир этилишининг янги турлари содир этилмоқда.

Жумладан, фирибгарлик жиноятини содир этишда компьютер технологиялари, махсус дастурлар, гаджетлардан фойдаланган ҳолда фуқароларни алдаб, турли йўллар билан ишончига кириб, ҳар-хил ваъдалар, пулли ютуқлар, мукофотлар ютиб олиш имкониятига эга бўлдингиз дея СМС хабарлар юбориб, ўзларининг ёлғон ваъдаларига ишонтириб, электрон пул маблағларини уларнинг банк пластик карталаридан бошқа пластик карталарига ўтказтириб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишмоқда.

Бугунги кунда шу каби ҳолатлар республикамизнинг деярли барча ҳудудларида учраб турибди. Гарчи банк ходимлари томонидан мижозларга уларнинг банк пластик карталарида пул ўтказмалари операциялари ўтказилаётганлиги, уларга юбориладиган яширин кодлардан фақат мижознинг ўзи фойдаланиши мумкинлиги тўғрисида такрор ва такрор эслатилишига қарамай, улар ёлғон ваъдаларга ишониб ўз пластик карталарини бошқариш ҳуқуқини ихтиёрий равишда учинчи шахсларга топшириб қўйишмоқда.

Бу турдаги жиноятларни содир этган шахсларни тергов қилиш, улар билан боғлиқ тергов ҳаракатларини ўтказиш, сўроқ тергов ҳаракатида кўрсатмаларини қайд этишда алоҳида ҳолатларга эътибор бериш лозим:

- Киберфирибгарларнинг асосий қурилмалари компьютер ва телефон ҳисобланади, уларни психологик жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, аввало, қизиқувчан, мукамал ИТ билим ва кўникмаларига эга, кундалик ҳаёти виртуал олам билан чамбарчарс боғлиқ ҳамда ижтимоий тармоқларда, онлайн платформаларда фойдаланувчиларни доимий кузатиб боришади, уларнинг қизиқишларини ўрганиб, улар билан ижтимоий тармоқларда мулоқотга киришадилар. Шу тариқа ўзларининг алдовларига ишонтириб, жабрланувчиларнинг сирлари ҳамда мулкларини алдаш йўли билан қўлга киритишади.

-Киберфирибгарларнинг фикрлари ўзгача (бошқалар эътибор қилмаган, эътибордан четда қолдирган ҳолатлардан унумли фойдаланиб ўзларининг ғаразли ниятларини амалга оширадилар).

-Киберфирибгарлар ҳалол меҳнат фаолият тури билан шуғулланиш ўрнига, ноқонуний йўллар билан, тезроқ бойишни мақсад қилган ҳолда жабрланувчиларнинг соддалигидан фойдаланиб, масофадан турган ҳолда уларнинг ишончига кириб, ўзларининг олий мақсадлари бўлмиш ўзгаларнинг пул маблағларини қўлга киритадилар.

- Бу турдаги жиноятларни содир этаётган шахсларнинг ёши тахминан 12-35 ёш атрофида бўлиб, ўзларининг салоҳиятлари, одамлар билан мулоқатчан эканликлари, ахборот технологияларидан яхши хабардор эканликлари билан ажралиб турадилар. Бироқ улар қандайдир объектив ва субъектив ташқи таъсирлар, омиллар натижасида ўзларининг бу истеъдодларини кинғир йўллар билан моддий бойлик орттиришга сарфлашади. Аксарият ҳолларда, бу турдаги жиноятларни содир этувчи категориядаги шахслар ҳеч қандай ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасликлари, ишсизликлари, жамиятда кераксиз шахс сифатида ўзларини ҳис қилишлари натижасида, гўёки ўзларини уддабирон шахс сифатида қайта кашф этишга ҳаракат қилиш жараёнида айни жиноят йўлига кириб қолишади.

Ишни судга қадар юритиш босқичида терговга қадар текширув ва суриштирув органлари томонидан бу турдаги жиноятларни содир этган шахсларнинг жиноятларини аниқлаш, фош этиш, тергов қилиш босқичи Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари билан тартибга солинади. Дастлабки тергов даврида терговчилар томонидан ўтказилаётган процессуал ва тергов ҳаракатлари натижасида киберфирибгарлар ахборот маконида содир этаётган жиноятларини исботловчи далиллар, хужжатлар, далилий ашёлар аниқланиб, қонунда белгиланган асослар ва тартибда айблари исботланиб қонуний жавобгарликка тортилмоқдалар.

Киберфирибгарларни сўроқ қилиш Ўзбекистон Республикаси **Жиноят-Процессуал Кодексининг 96-108, 109-112-моддалари** тартибида амалга оширилади. Дастлабки тергов даврида киберфирибгарлар томонидан қачон, қаерда, қандай шароитда, ахборот технологияларининг қайси туридан ҳамда махсус дастурлардан фойдаланган ҳолда фуқаролар билан қандай мулоқотга киришганликлари, ораларида қандай муносабатлар бўлганлиги, қандай қилиб фирибгар фуқароларнинг ишончига кириб, алдаб фирибгарлик йўли билан улардан пластик карталари орқали ўзларини гўёки учинчи шахсларнинг банк пластик карталарига пул маблағларини ташлатиб олганликлари уларнинг кўрсатмалари ҳамда жабрланувчиларнинг кўрсатмалари орқали аниқлаштирилади.

Киберфирибгарлар ўз кўрсатмаларида ўзларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларинини турли йўллар билан чалғитиб ёлғон кўргазмалар беришга, сифатли ва ҳар томонлама, тўла ҳажмда терговни амалга оширишга тўсқинлик қилиб, далилларни йўқ қилишга ҳаракат қиладилар. Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ахборот маконида содир этилаётган жиноятларга қарши курашишнинг самарали усул, услублари ишлаб чиқилган бўлиб, далилий ашё сифатида олинган компьютер, телефон, гаджет, аксессуар ва бошқа электрон қурилмалар ҳамда иш учун аҳамиятли бўлган хужжатлар, мобил иловалардаги мулоқотлар рўйхати олиниб, жиноят-процессуал қонун нормалари доирасида ҳар томонлама текширилгандан сўнг, гумон қилинувчининг айбини исботлаган тақдирда суриштирувчи ва терговчи томонидан нарсани ёки хужжатни ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, жиноят иши хужжатларига қўшиб қўйилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчини сўроқ қилиш жараёнида уларни фикрларини эркин баён этишларида маълум қийинчиликларга учрашаётганликларини, уларнинг сўзидан маълум бир объектив ва субъектив сабабларни ҳисобга олмаган ҳолда жиноятлар содир этишларининг тугалланмай қолиши, ёки маълум камчилмкларга йўл қўйганликлари сабаб, ўзларининг NICKNAMEлари, ID, IP, Mac адресларини маълум қилиб қўяётганликлари, баъзан эса ҳеч қандай камчиликларга йўл қўймадим деб ўйлаганликлари, аслида эса жабрланувчилар томонидан ўзаро ижтимоий тармоқлардаги мулоқотларни ўзларининг электрон қурилмаларида **SCREENSHOT** қилишлари киберфирибгарларнинг жиноятларини фош этиш, айбини қонуний исботлашда ўз аксини топмоқда.

Улар Жиноят-Процессуал Кодексининг 81, 94-95-моддалари тартибида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилгач, иш учун аҳамиятли эканлиги қонуний асослантилгач **мақбул далил** сифатида эътироф этилади.

Таклиф.

1. Ишни судга қадар юритиш жараёнида суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан сўроқ қилиш жараёнида зарурат туғилганда ахборот технологиялари соҳасида малака дипломига эга тажрибали **мутахасисларни** жалб қилиш жиноят ишини ҳар томонлама, сифатли олиб боришда ёрдам беради.

2. Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш жараёнида кўрсатмаларида бор воқеликни тўла акс эттиш мақсадида ёлғонни аниқловчи мосламалардан фойдаланиш терговнинг тўғри йўналишда олиб боришга ёрдам беради, бу орқали содир этилган жинойий ҳодисаларга тўла ҳажмда аниқлик киритилиб, гумон қилинувчи, айбланувчиларнинг айби исботланади.

3. Кўпгина чет эл давлатларида кенг қўлланилиб келинаётган профайлинг тизимидан фойдаланиш жиноят ишларини тез ва самарали тергов қилишга ёрдам беради. Бунда асосан жиноятчи шахсларнинг кўз ва лаб қисмларидаги ўзгаришлар уларнинг эҳтиросларини, ёлғон ёки рост сўзлаётганликларини аниқлаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т. 2023
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодекси
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг тергов фаолияти бўйича буйруқлари